

**“Энергия тежамкорлик Янги Ўзбекистон болаларининг нигоҳида”
мавзусидаги болалар танловларини ўтказиш тўғрисида
НИЗОМ**

Тошкент – 2025

1. Умумий қоидалар

1.1 “Энергия тежамкорлик Янги Ўзбекистон болаларининг нигоҳида” мавзусидаги болалар танловларини ўтказиш тўғрисида (кейинги ўринларда – Танлов) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2 Танловнинг ташкилотчиси “Ўзбекнефтегаз” Акциядорлик Жамияти ҳисобланади.

1.3 Танлов ҳақидаги маълумотлар компаниянинг расмий веб-сайти — ung.uz ҳамда телеграм канали — https://t.me/ao_uzbekneftegaz орқали амалга оширилади.

1.4 2025 йилда ўтказилиши режалаштирилган танлов Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, энергия тежаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини тарғиб қилишга бағишланади.

1.5 Танловни ўтказиш жараёнида Танлов ташкилотчилари томонидан алоҳида номинацияларни шакллантириш имконияти назарда тутилган.

1.6 Танловга тақдим этилган ижодий ишларни баҳолаш ва Ғолибларни мукофотлаш Танлов ташкилотчиси ҳамда жалб этилган мутахассислар томонидан амалга оширилади.

1.7 Ташкилотчи мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

2. Мақсад ва вазифалар

2.1 Болаларнинг ижодий фантазияси ва бадиий маҳоратларини ривожлантириш, уларнинг иқтидорини рағбатлантириш.

2.2 Ёш авлод орасида энергия тежамкорлик (газ, электр энергияси, кўмир ва бошқа энергия манбалари) билан боғлиқ ҳозирги куннинг долзарб масалаларини тушунтириш.

2.3 Давлатнинг экологик соф сақланиши ва анъанавий энергия манбаларини тежаш учун қайта тикланувчи энергия манбалари технологияларини жорий этишни тарғиб қилиш.

2.4 Кўп миллатли юртимизнинг анъаналари ва экологиясига, табиатни ҳимоя қилишга бўлган қизиқиш ва ҳурматни ошириш.

2.5 Ватанпарварлик ва Янги Ўзбекистонга бўлган муҳаббатни тарбиялаш.

Асосий вазифалар:

- энергетик таълим ва тасаввурни ёш авлод орасида ривожлантириш;
- яшил иқтисодиёт, энергия тежаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини таништириш;
- болаларнинг иқтидорларини рағбатлантириш ва ривожлантириш;
- эстетик тарбия бериш ва давлатнинг энергия тежаш дастурини амалга оширишда фаол иштирок этишга чақириш;
- умумий ижодий фаолият орқали оилавий алоқаларни мустаҳкамлаш;

- иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш.

2.6 Танлов қатнашчилари

2.7 Танловга “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибига кирадиган корхоналар ходимларининг 6–16 ёшдаги болалари қатнашиши кўзда тутилган.

2.8 Боланинг Танловда иштирок этиши унинг қонуний вакили (ота-она, ҳомий, ота-онаси томонидан бириктирилган масул шахс) ёки мактабгача таълим муассасаси, мактаб, бадиий мактаблар, қўшимча таълим муассасалари ва нотижорат ташкилотлари раҳбари орқали амалга оширилади.

2.9 Боланинг Танловда иштирок этиши иштирокчи (боланинг қонуний вакили, таълим муассасаси раҳбари) танловни ўтказиш қоидалари билан танишгани ва рози эканлиги, фото ва видео суратга олишга рухсат бериши, шунингдек, ўзининг ва боланинг (расм муаллифи) шахсий маълумотларини “Ўзбекистон Республикасининг шахсий маълумотлар тўғрисидаги” Қонунига №ЗРУ-547 (2 июль 2019 йил) мувофиқ ишлашга рози эканлиги, Танлов натижалари ҳақидаги маълумотларни сайтида ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ медиа гуруҳларида жойлаштириш учун, шунингдек, расмни қайта ишлаш ва/ёки уни мукофотланмасдан оммавий ахборотга эълон қилиш, полиграфик маҳсулотда қайта ишлаш ва қўпайтиришга рози эканлигини билдириши шарт.

- Танлов 6-16 ёшдаги болалар учун қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- “Энергияни тежаш – менинг нигоҳимда” мавзусида расмлар танлови – 6-9 ёшдаги болалар учун;

- “Дунё энергияси сенинг қўлларингда” мавзусидаги энг яхши либос (костюм) танлови – 10-12 ёшдаги болалар учун;

- “Ақлли энергия билан келажак”, “Ижод орқали энергия”, “Ёшлар нигоҳида эко-энергия”, “Энергияни асраб, келажакни яратамиз” мавзуларидаги энг яхши макет танлови - 13-16 ёшдаги болалар ўртасида.

3. Қатнашиш шартлари

3.1 Танлов иштирокчиларига категорияни танлаш ва ўшбу категорияда энергия тежашга бўлган ўз қарашларини, инсон фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш заруратини тасвирлаш таклиф этилади.

3.2 Танловга расмлар ҳар қандай техникада, шу жумладан аралаш техникада (акварель, қаламлар, фломастерлар, гуашь ва ҳ.к.) А2, А3 ёки А4 форматли қоғозда рамкасиз ва ламинатланмаган ҳолда қабул қилинади. Расм энергия самарадорлигига доир бирор мавзусини, масалан, энергия тежаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини фойдаланиш, экология ва табиатни ақс эттириши керак. Расмлар танлов сайти ёки электрон почта орқали юборилиши лозим.

3.3 Костюмлар танловига энергия тежаш ва энергия самарадорлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш мавзусига бағишланган ишлар қабул қилинади. Шунингдек, “Кувват” мультсериали мавзусидаги костюмлар

ҳам иштирок этиши мумкин. Барча костюмлар соғлиқ учун хавфсиз бўлиши керак. Костюм элементлари қайта ишланган ёки экологик материаллардан ясалган бўлиши шарт. Костюмнинг фотосуратлари ва видеоларини танлов сайти ёки электрон почта орқали юбориш лозим.

3.4 Макетлар танловига энергия тежаш соҳасидаги мумкин бўлган ечимларни иллюстрация қилувчи ишлар қабул қилинади (масалан, қуёш панеллари билан жиҳозланган уй, энергия самарадор шаҳар модели ёки энергия тежаш учун қурилмалар), шунингдек, «Кувват» мультсериали мавзусидаги макетлар ҳам иштирок этиши мумкин. Иштирок этиш учун тайёр макетларнинг фото ва видеоларини юбориш лозим, кейинчалик макетлар махсус йиғиш пунктига етказилиши ёки почта орқали юборилиши керак (агар бу мумкин бўлса).

➤ *Техник талаблар:*

- Макет ўлчамлари: бўйи/кенглиги 1 метрдан ошмаслиги зарур.
- Материаллар: ҳар қандай материаллар, шу жумладан картон, пластик, ёғоч, металл (агар хавфсиз бўлса).
- Макет ташиш ва етказиб борилиш учун қулай бўлиши зарур.
- Макетда униг мавзуси ёзилиши зарур.

3.5 Ишда бошқа одамнинг асаридан фойдаланиш (плагиат) тақиқланади.

3.6 Танловга иштирок этиш учун 2017 йил 8 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг № ЗРУ-444 “Болаларни соғлиғига зарар етказадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мос ишлар қабул қилинади.

3.7 Танлов ўзбек ва рус тилларида ўтказилади.

3.8 Танловда иштирок этиш учун тегишли шаклдаги Анкетани тўлдириш талаб қилинади (Илова 1), шунингдек, анкетага <https://forms.gle/9Vus5S4obaZaeGuZ7> манзили орқали ёки QR коди орқали ҳам тўлдириш мумкин.

3.9 Ғолиблар эълон қилинганидан кейин, иштирокчи ишнинг оригинал нусхасини бир кун ичида ташкилотчиларга қуйидаги манзилга тақдим этишга мажбур: Тошкент ш., Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 16 ўй.

3.10 Танлов, муддатлар ва босқичлар

3.11 Танлов **2025 йил 15 апрель** куни бошланади ва уч босқичда ўтказилади.

3.12 **I босқич:** 2025 йил 15 апрелдан 30 апрелгача, Тошкент вақти билан соат 16:00 гача — ишлар қабул қилиниши.

II босқич: 2025 йил 1 майдан 5 майгача — ишлар ҳакамлар томонидан баҳоланади ва ғолиблар расмий веб-сайтда ва АО «Ўзбекнефтегаз» гуруҳида www.ung.uz ва https://t.me/ao_uzbekneftegaz эълон қилинади.

III босқич: Ғолибларни мукофотлаш маросими (кейинчалик — Маросим). Маросимнинг аниқ санаси ҳақида танловнинг барча финалчиларига қўшимча хабар берилади.

4. Ҳакамлар фаолиятини ташкил этиш, критерийлар.

4.1 Танлов ташкилотчиси ҳакамлар таркибини Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоларидан тўғри келишув асосида тасдиқлайди.

4.2 Ҳакамлар Иштирокчилар томонидан юборилган ишларни баҳолайди ва ғолиблар ҳамда финалчилар рўйхатини шакллантиради.

4.3 Танлов ғолиблари ва финалчилари танланишидаги критерийлар қуйидагилардан иборат:

- ишнинг мазмунининг эълон қилинган мавзусига мувофиқлиги;
- бадий маҳорат (техника ва ишнинг ижроси сифати);
- ижодий даражани муаллифнинг ёшига мослиги;
- ғоянинг оригиналлиги.

5. Танлов мукофотлари

5.1 Танлов ғолиблари ҳар бир категорияда биринчи уч ўринни эгаллаган иштирокчилар бўлади.

5.2 Барча ғолиблар Танловнинг мавзусига мос совғалари ва дипломларини мукофотлаш маросимида олишади.

5.3 Танловда иштирок этганлар ва уларнинг яқинлари, турли сабабларга кўра Маросимга кела олмаган ақдирда, Иштирокчи учун ажратилган диплом ва совғаларни олиш ҳуқуқига эга.

5.4 Танлов ғолибларининг ишлари 2025 йил 13-15 май кунлари Тошкентдаги халқаро кўргазмалар маркази “Central Asian Expo Uzbekistan” (CAEx)да ўтказиладиган 27-Халқаро нефть ва газ кўргазмаси (OGU-2025) да намоиш этилади.

Илова 1
Болалар ижодий танлови
“Ёшлар нигоҳида энергия
тежамкорлик”

АНКЕТА

БОЛАЛАР ИЖОДИЙ ТАНЛОВИ ИШТИРОКЧИСИ
“ Ёшлар нигоҳида энергия тежамкорлик”

Иш муаллифининг Ф.И.Ш. (бола):	
Танлов ишининг номи:	
Категория	
Туғилган сана (бола):	
Боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси серияси ва рақами (кун, ой, йилни кўрсатган ҳолда):	
Боғланиш учун шахс (Катта ёшдаги шахс):	
Боғланиш учун телефон рақами:	
Электрон почта	
Бошқа алоқа усуллари:	
Ташкилотчилар учун қўшимча саволлар:	
<u>Қонуний вакилнинг имзоси</u> Расмни танловга юборган шахс, расм муаллифи бўлган боланинг қонуний вакили эканлигини тасдиқлайди, ўзининг ва боланинг (расм муаллифи) шахсий маълумотларини қайта ишлашга ўз розилигини “Ўзбекистон Республикасининг шахсий маълумотлар тўғрисидаги” 2019 йил 2 июльдаги ЗРУ-547 сонли Қонунига мувофиқ танловда иштирок	

этиш мақсадида беришга розилик беради, вақтга боғлиқ чекловларсиз; шунингдек, рисмни қайта ишлаш ва/ёки уни мукофотсиз, ҳар қандай усул билан оммага таништириш ва полиграфик маҳсулотларда қайта ишлашга розилик беради.

Тўлдирилган анкета ва ишнинг фотографиясини ungfotokonkurs@gmail.com электрон почтасига юбориш керак. Ёки электрон шаклни тўлдириш учун <https://forms.gle/9Vus5S4obaZaeGuZ7> ҳаволасини ишлатиш мумкин.

